



Совинак қори билан мағзава қори



Совинак кори:(Совинак кори — енгил-елпи, чала кори.) — Бу йил бай пули (Бай пули — баъзи одамлар рўза арафасида корига бай пули бериб мархумлари хакига Куръон туширтирадилар.) неча кишидан олинди, Магзава кори? (Магзава кори — эзма кори) Магзава кори: — Э-эй, бу йилги рўза, маза йўк ошнам. Такрор пули(Такрор пули — корилар йил давомида Куръон ўкиб такрорлаб турадилар. Савобталаб бирон киши ўкилаётган Куръонни мархумлари рухига хам багишлашини сўраб корига пул беради.) хам чикмайтурган, кўринадир.

- Ха, нимага?
- Нимага бўлар эди, хатмчи(Хатмчи — (хатм-тамом килиш, тутатиш) мархумлар арвохига атаб Куръон туширирувчи ва шу муносабат билан худойи килувчи.) йўк...
- Итни урсанг Куръон туширитурган чикибдир-ку, хатмчи йўк эмиш!
- Бор-борликка. Аммо мўмайрок митат(Митат — даромад (арабча: мўтот — хак, ужра).) чикаратурган хатмчи йўк!
- Иш билмагандан кейин хатмчи хам йўк, митат хам йўк!
- Совинак дейман, сан нимани билдинг!!!
- Мен иш билдим, сен саллага зеб бериш билан идом маъалгуннани(Идом маъалгунна — араб тилида ўхшаш харфни бир ёзиб иккилантириб димогда ўкиш (тажвид илмида); бу ерда Куръон зеб бериб тиловат килиш маъносида.) билдинг!
- Хўш-хўш?
- Нима хўш-хўш, индинга Пўлавойнинг хатмини битирсам, уттаси кундан Шўлавойнинг хатмини бошлайман. Ундан кейин Сўнавойники. Шундай килиб бу рўзаи мохи шарифда энг ками беш миллиард митат!
- Ха-хха, хаммасидан хам бай пули олдингми, Совинак?
- Олдим. Пўлавойдан беш юз, Шўлавойдан икки юз, Сўнавойдан уч юз!
- Кандай килиб?
- Пўлавойнинг олдига бориб: «Шўлавой акам бу йил хатмни катта килар эмишлар, шундай оғир вактларда унча-мунча одамга хатм килдириш хам кийин...» деб юрагига ўт солиб кўйдим. Сўнавойнинг дўқонига тушуб: «Бу йил хатмингиз йўкми, одамлар: «Сўнавойнинг дамаси(Дама — ўчокка хаво юборадиган асбоб, дамгир; бу ерда: гайрат, авж, куч маъносида.) йўкрок» деб сўзлашадилар», деган сўз билан унинг хам пайтавасига курт тушурдим. Шундай килиб йўк ердан ёлгуз ўзимга уч хатм чикардим. Мана иш, ана митат!
- Магзава кори кўнглининг энг чукур жойидан чикариб, уф-ф-ф деди ва хасратидан чанг чикара бошлади:
- Бу йил баҳтимиз сувга урган экан Совинак, хеч бир хатмчи «итмисан, эшакмисан» дея бермагач, ноилож «шунча такрорлар бекорга кетмасун» деб ўзимни бозорга sola бошладим. Каерда бир эски хатмчини кўрсам маддоҳ баччалардек жоврадим: «Эшбой акам хатмга айткан эдилар, бу рамазон кўлим тегмайдир», дедим. «Маним кўнглим сизда эди...» Иккинчи бировни кўрганда: «Бу йил хатм жуда кўб кўринадир, Тошканда ўнг минг кори бўлса хам етишмас». Нихоят шунчалик авроКлар билан ўлиб-кутилиб битта жизбизини топсам хам лекин кургуринг мандан хам ўлумтук экан: «Беш кунлик килсангиз канча оласиз-у, уч кунлик килсангиз канча берамиз(Куръонни кунда ўн порадан ўқилса уч кунда, олти порадан ўқилса беш кунда хатм килинади. Беш кунликнинг баҳоси ортиқ бўлади.). Мардикор пулингизнигина олиб, ифттор билан сахарликни уйингизда килсангиз калай бўлар экан» дейдир.
- Кизи талогинг пудратини(Пудрат — хизмат хаки) берар экан-да,xo, xo, xo!
- Шуни айткина, Совинак. Шундай килиб хатмни беш юз милли-онга баҳолаб олдим. Уч юзни ўзим олсам, икки юзни сомеъга(Сомеъ — корилар ва шогирддари ўзаро Куръон тиловат килиб ўтиришса «даврадош» дейилади; кори таровихга ёки ифтторга бир шогирди — сомеъ (эшитувчи) билан бирга боради. Кори тиловат килаётиб адашса сомеъ лукма солиб туради ва ўзи хам тиловатда иштирок этади. Бу хизмати учун сомеъ хам хак

олади.) бераман. Уч юзинг нос пулига хам етмайдир. Бу йил маза йўқ ошнам...
Шилгай.

«Муштум»: Окчани кам берсалар «ялмаш» усулинини(Ялмаш» усули — тез-тез, нари-бери ўкиш.) кўллаш керак. Куръонни ялмаб ўкуйсан, десалар «бир мирига келгани шу» деб жавоб бериш керак.

«Муштум» — 1923 йил, 7-сон.

Абдулла Кодирийдан